



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЮРТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 май куни Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ва маданиятга эга ҳудудларидан биридир. Кейинги йилларда вилоят иқтисодий-иқтисодий ҳаёти тубдан янгилашиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чуст туманидаги «Барака мева саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони экспортбон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, умуман, мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда фаолиятини ёнғок, майиз ва ковул экспортдан бошлаган. Жамият тасарруфидagi экан майдонларида ғалла, кунгабоқар, ловия, картошка, маккажўҳори, иссиқхонада помидор парваришланмоқда. 17 сотихли участкада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари таърибдан ўтказилаётир. 32 кишининг бандлиги таъминланган. Мавсум пайтида ишчилар сони 800 нафардан ошади.

Лойиҳа доирасида 160 гектар майдонга сөрҳосил ёнғок қўчатлари ўтказилмоқда. Унинг умумий қиймати 9,6 миллиард сўм бўлиб, йилга ўртача 4 минг 600 тонна ёнғок етиштирилади. Ёнғоклар тўлиқ ҳосилга кирса, бир йилда 40,2 миллиард сўмлик маҳсулот олиш мумкин, унинг 70 фоизи экспорт қилинади.

Шу ернинг ўзидa 2018-2019 йилларда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачиликни йўлга қўйиш, томирчиликни янада ривожлантириш, иссиқхонада лимон етиштириш, тутзорлар ташкил этиш,

огир ҳудудлардаги майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, пахтадан бушаган ерларга турли экинлар экиш ва экспортбон маҳсулотлар етиштириш, вилоят экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ёнғокзорларни кўпайтириш, балиқчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш, картошка уручилигини ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда кичик саноат зоналарининг алоҳида ўрни бор.

Президентимизга Наманган шаҳридаги «Оруз» кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди.

Саноат зонасининг ҳудуди салкам ўн гектарни ташкил этади. Бу ерда ёнғок саноат, озиқ-овқат, тиббий техника, полиграфия, полиэтилен пакетлар ва плёнкалар, энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришга оид умумий қиймати 142 миллиард сўмдан зиёд 22 лойиҳани амалга ошириш мўлжалланган. Лойиҳалар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилгач, йилга 82,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 4 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Жорий йилнинг май ойи охиригача тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Порлоқ текстиль либослари», «Нуробод сифат текстиль», «Улуг-Б», «Босир текстиль сервис» масъулияти чекланган жамиятлари фаолият бошлайди.

Саноат зонасининг замонавий коммуникация тармоқлари ва инфратузилма объектларига яқин ҳудудда ташкил этилган корхоналарни келгусида энергия ва бошқа ресурслар билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратди. Лойиҳаларда замонавий энергия тежамкор чет эл технологияларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, хом ашё етказиб бериш ва маҳсулотини сотишга қўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар

берди. Хорижий технологияларни олиб келиш учун маблаг ажратиш, экспортни кенгайтириш учун корхоналарга халқаро мақом бериш зарурлигини таъкидлади.

Наманган шаҳрида ёнғил саноатни ривожлантириш, хусусан, «Юксалиш», «Оруз», «Пахталикўл», «Хонобод» саноат зоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар, Катта Фарғона каналнинг Учкўрғон тумани ҳудудидан ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қурилиши, «Водий нефтьгаз энергия» корхонасида ишлаб чиқарилган газ тармоғи хавфсизлигини таъминлайдиган инновацион қурилма тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан мутасаддиларга тегишли қўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги «Беш сада» фермер ҳўжалиги шийпонидa Наманган вилояти фермерлари билан мулоқот қилди.

«Беш сада» фермер ҳўжалиги 2004 йил ташкил этилган. Долимжон Шарипов раҳбарлигидаги ҳўжалик ишчилари жорий йилда 27 гектарда ғалла, 21 гектардан зиёд майдонда гўза парваришламoқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ҳар йил декабрь ойининг иккинчи яшанбаси мамлакатимизда Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари куни этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари шу муносабат билан 2017 йил 9 декабрь куни ўтказилган тантанали маросимдаги нутқда пахта майдонларида ҳосилдорлигини ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни «қўшқатор» ва «оптмишлик» схемалар асосида экишни йўлга қўйиш ва самарасиз бўлган «тўқсонлик» схемадан босқичма-босқич воз кечиш зарурлигини таъкидлаган эди. Бугун вилоят фермер ҳўжаликлари мазкур қўрсатмалар асосида гўза парваришчини замонавий технологиялар асосида йўлга қўйган.

«Беш сада» фермер ҳўжалиги ҳам гўзани «қўшқатор» схемаси асосида экишни жорий этди. Бунинг натижасида 1 гектар ерга қўшимча 35 минг дона чигит қадалиб, ҳосилдорлигини 40 центнергача ошириш имкони пайдо бўлди. Ғалла ҳосилдорлиги 80 центнерга чиқарилиб, олинadиган соф фойда 35 миллион сўмга етиши кутилмоқда.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли

ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида қилинадиган ишлар ҳали кўпчилигини таъкидлади.

Барча сайёҳаракатларимиздан асосий мақсад халқимизни рози қилиш, эртанги кунга ишонтиришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Миришкорлар Президентимизга фермерлар учун яратилган шароит ва имкониятлар, давлат томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Учкўрғон туманидаги «Uztex Uchkurgan» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Ўтган йил ноябрь ойида Uztex гуруҳи таркибда замонавий типдаги тўқимачилик мажмуаси фаолият бошлаган эди. Натижада бу ерда 1 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Корхона йилига 12 минг тонна калава-ип ва 3 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан пахта 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахта 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдим этилди. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахта 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахта 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади. Ҳозирги кунда корхонага ёндош ҳудудда пахта 100 фоиз қайта ишлашга ихтисослашган корхона энди тўлиқ кластер усулига ўтади.

Бу йил туманда 10 минг гектарга яқин ер майдони кластер усулида пахта етиштириш учун ажратилди. «Текстиль финанс Наманган» корхонаси томонидан хориждан экиш техникалари, культиваторлар, тракторлар, пахта териш ва уни қадоқлаш комбайни сотиб олинди.

Президентимиз корхона мутасаддиларига пахтага сунъий толани аралаштириб, маҳсулот ҳажми ва иш жойини, пировардида бюджетга солиқ тушумини кўпайтириш бўйича аниқ қўрсатмалар берди. Шунингдек, айланма маблагларни ошириш ҳисобига тумандаги кам таъминланган оилаларга туҳум ва товучни лизингга бериш кераклигини таъкидлади.

Кам таъминланган оилаларга қўмак бериш, уларга ғамхўрлик қўрсатиш «Uztex Uchkurgan» корхонасининг брендига айланиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу орқали аҳолининг муҳтож қатламини ишлашга, яхши яшашга ўргатамиз, ҳаётга бўлган ишончини оширамиз.

Туманда кластер тизимида чигит экишдан то тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёни сифатли ташкил этиш, 2 та янги боғча қуриш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини барпо этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу кунги Норин тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

ҲАМКОРЛИК

Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида 2017 йил 14-15 май кунлари бўлиб ўтган халқаро ҳамкорлик бўйича «Бир макон, бир йўл» форуми доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ХХР Раиси Си Цзинпинь билан ўтказган музокаралари чоғида қатор келишувларга эришилган эди. Шунга мувофиқ, Хитойнинг Хэбэй провинцияси Синтай шаҳридан йўлга чиққан транспорт қарвонлари «Навоий» эркин иқтисодий зонасига кириб келди.

«НАВОИЙ» ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАРИМИЗНИ ЎЗИГА ЧОРЛАМОҚДА

Ўтган йили иқтисодий ҳудудда Хитойнинг «Hebei New silk Road Import and Export trade» компанияси инвестицияси қўмағида «Zuoyang Tuang» хорижий корхонасига махсус гувоҳнома топширилган эди. Энди ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёни бошланди. 7,5 миллион доллар миқдоридagi инвестициянинг кириб келиши, янги қувватнинг истиқболдан дарак беради. Хусусан, йилига 200 минг дона ДСП фанерлари ишлаб чиқариш имкониятига эга корхонада 70 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, «Навоий» эркин иқтисодий зонасида қатор имтиёзлар қўлланилаётгани ишлаб чиқарувчилар ва хорижлик сармоядорлар учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратмоқда. Айни пайтда ҳудудда фаолият юритаётган 20 га яқин йирик корхона ушбу имкониятлардан самарали фойдаланаётир.

«Бир макон, бир йўл» форумида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, табиий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига гоят бой бўлган мамлакатимизда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юксак технологиялар соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъкидлади, — дейди «Навоий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори А.Файзиев. — Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт-

логистика йўналишларини очишга хизмат қиладиган мазкур лойиҳа қадимги Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши, деб баҳоланмоқда. Хитойлик сармоядорлар билан Навоийда амалга оширилаётган мазкур иқтисодий ҳамкорлик ҳам алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далolat.

Хорижлик инвесторларнинг юртимиз бозори, айниқса, «Навоий» эркин иқтисодий зонасини танлашининг асосий омилу бу ерда тадбиркорлар учун яратилган қўлайлик, қурилиш маҳсулотларига ички талабнинг юқорилиги, энг муҳими, хом ашё кўпчилигидадир. Чунки, қурилиш қўлланилаётгани ишлаб чиқарувчилар ва хорижлик сармоядорлар учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратмоқда.

«Zuoyang Tuang» хорижий корхонаси мутасаддиларининг таъкидлашича, дастлаб ДСП фанерлари ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш режалаштирилган. Маҳсулот тайёрлашда хом ашё Қизилтепа туманидан олинади. Гўзаполадан кенг фойдаланилади. Махсус ингредиентлар эса «Навоийазот» акциядорлик жамиятидан олинади. Бу маҳсулот таннархининг арзонлашиши ва импортнинг кескин қисқаришига хизмат қиладди.

Корхонада, шунингдек, МДФ ва фанер ишлаб чиқариш, шиша маҳсулотлари тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ


ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ


Ўзбекистон Республикаси География ва минерал ресурслар давлат қўмитасида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,75 миллиард сўмлик маблаг ажратилиш кўзда тутилган.

Иштирокчилар Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2017 йил якунларига бағишланган ҳисоботидан амалдаги экологик қонунчиликни такомиллаштириш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлди.

2018 йилда умумий миқдори 3 миллиард сўмлик 11 ижтимоий

Н.ЗИЁДУЛҒАЕВА,
ЎЗА мухбири.





МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

таълим тараққиётидан бошланади

Ўзбекистонда инновацион тараққиётни ривожлантириш, таълим тизимини сифат жиҳатдан ўзгартириш ва ислоҳ қилишда Корея Республикаси таълим тараққиётидан ибрат олса арзийди. Бир инсон умрига тенг муддат мобайнида бу мамлакатда дунё аҳлини ҳайратга соладиган даражада амалга оширилган ислохотлар, биринчи навбатда, жанубий кореяликларнинг ўз кучи, салоҳияти, иқтидорига таянишига асосланди.

Ўзбекистон ўз ижтимоий-иқтисодий тараққиётда, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида туб ўзгаришлар ва янгиланишлар даврини бошидан кечирмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ниҳоятда катта қизиқиш уйғотаётган ушбу ислохотлар, энг аввало, ҳалқимиз турмуш шароитини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришга йўналтирилганлиги билан эътиборлидир.

Кучли ижтимоий сиёсатни қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолдаги муваффақиятлар амалга ошириш мумкин. Давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт муассасалари ва иншоотларини барпо этиш, уларни энг замонавий технологиялар асосида жиҳозлаш, оналик ва болаликни, кам таъминланган аҳолини ишонарли ҳимоя қилиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизациялашда ўз ифодасини топади. Бу давлат бюджетидан ижтимоий соҳага катта маблағ ажратишни талаб этади.

Кучли ижтимоий сиёсат инсон капиталини бойитишга, мамлакат қудрати ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Буни Жанубий Корея мисолида кўриш мумкин.

XX асрнинг биринчи ярмида Жанубий Корея Япониянинг мустамлакаси эди. 1950-1953 йилларда бўлиб ўтган фуқаролар урушидан кейин мамлакат иқтисодий мутлақо издан чиқди. 1960 йилда Жанубий Кореяда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот атиги 80 АҚШ долларини ташкил этарди. Бу кўрсаткич Африкадаги энг қашшоқ мамлакатлар даражасига тўғри келарди.

60-йиллар бошида мамлакат аҳолисининг атиги тўртдан бир қисмигина ўрта маълумотли эди. Шунинг учун асосий эътибор умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари сонини кўпайтириш, аҳолининг саводхонлиги ва замонавий билимларини оширишга қаратилди. Бу илм-фани жадал ривожлантириш, саноатни тиклаш ва модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самардорлигини ошириш учун олим ва мутахассислар, юқори маалаки конструкторлар ва муҳандислар, агрономлар ва мелиораторлар тайёрлашда мустаҳкам пойдевор бўлди.

Бугунги кунда аҳоли сони 51 миллиондан ортиқ мамлакатда 419 университет ва олий таълим муассасаси мақомига эга коллежлар фаолият олиб бормоқда. Ўрта умумтаълим мактабини тугаллаган мамлакат ёшларининг 75 фоизи талабалар сафидан ўрин олади. Олий таълим муассасаларида 100 мингдан кўпроқ чет эллик талаба таҳсил олаётган Жанубий Корея яқин йиллар ичда улар сонини икки бараварга оширишни режалаштирмоқда, чунки бу соҳа ҳам давлатга катта даромад келтирмоқда.

Бугунги кунда Жанубий Корея иқтисодий қудрати бўйича (мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 1,85 триллион АҚШ долларига тенг) жаҳонда 14 ўринга кўтарилиди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот эса 27221,5 АҚШ долларига етди. Жанубий Корея саноати ривожланган янги давлатлар пешқадамларидан биридир. Унинг индустриясида ядровий реакторлар ва робот техникаси, ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотлари, автомобилсозлик ва кemasозлик каби соҳалар муҳим ўрин тутди.

Мамлакат бизнесни юретишнинг енгиллиги бўйича жаҳонда бешинчи ўринда туради. Бу ердаги мавжуд 8 эркин иқтисодий ва эркин инвестиция зоналарида чет эл сармоядорлари учун жуда қулай шарт-шароитлар яратилган.

Жанубий Кореянинг миллий иқтисодий тарихан қисқа муддатда равнақ топтириш таърибаси жаҳон мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам ибратлидир. 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар бунга мисол бўла олади.

Кейинги икки йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасига доир етмишдан кўпроқ фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Ушбу гоят муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатда таълим тизимини том маънода сифат жиҳатдан ўзгартириш ва янгиллаш жараёни учун асос бўлди.

Таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида тузилган Мактабгача таълим вазирлиги эндиликда мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш асосида болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

11 йиллик таълим қайта тикланди, умумтаълим мактабларида эътибор қўйилди. Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Мухаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилмоқда. Ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари, жисмоний ва

маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, уларнинг қўбилият ва истъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга тубдан янги-ча ёндашувлар кузатишмоқда.

2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури изчил амалга оширилмоқда. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Олмалиқда Москва пўлат ва қотишмалар институтини, Тошкентда АҚШнинг Вебстер университетини филиални ташкил этиш бўйича келишувга эришилди. Иқтисодийнинг реал секторидagi талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Давлат ижтимоий сиёсатида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳудудлар аҳолиси учун қулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвақт аниқлаш мақсадида масофадан туриб профилактика қилиш таъминлайдиган «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббий ахборот маркази» концепцияларини ўз шариоитимизга мослаштириб татбиқ этиш чоралари қўрилмоқда. Она ва бола саломатлигини асраш учун 2018 йилда 46 туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизда туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади.

Мамлакатимизда миллий инсон капиталини ошириш бўйича қўриб-қўйилган кенг қўламли чоралар иқтисодий тизимини ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш билан бир қаторда аҳолининг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қўлайитиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ,
академик,
Нодира ЗОКИРОВА,
профессор.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ҲУКУМАТ СОАТИ: ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ АМАЛДА

Жорий йилнинг 1 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги ва «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мувофиқ «Ҳукумат соати» ўтказилди. Таъкидлаш жоиз, мазкур амалиёт миллий парламент тарихида илк бор ташкил этилди.

Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳоли юзасидан олиб борган ўрганишлари ҳамда одамлардан келадиган мурожаатлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари тақлифларига кўра «Ҳукумат соати»га «Республика аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланишида ҳамда ичимлик сувини тежамкорлик билан ишлатишда олиб бориладиган ишлар», шунингдек, «Аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, аинқиса, жойларда ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ҳолатлари» тўғрисидаги масалалар киритилди.

Ушбу масалалар юзасидан депутатларга ахборот ва уларнинг саволларига атоқлича жавоб бериш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасадди раҳбарлари тақлиф этилди.

Тадбир давомида ҳукумат вакиллари депутатлар томонидан қўйилган масалалар юзасидан маълумот бериб, уларнинг қўшимча саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

2017 йил 12 июлда «Ҳукумат соати» институтини жорий этиш ҳақида ўз тавсияларини берган эди, — дейди эксперт Ихтиёр Беков. — Қонунчилик палатасида «Ҳукумат соати»нинг ўтказилиши Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган жамиятда парламентнинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг самарали ўтганини таъкидлаш лозим. Мазкур институт биринчидан, ҳукуматнинг парламент билан муносабатларидаги масъулиятини оширса, иккинчидан, жойларда тўпланиб қолган, аҳолини ўйлантирадиган масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

— Таъкидлаш жоиз, «Ҳукумат соати» Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш йўналишида ҳам муҳим аҳамиятга эга, — дейди эксперт Шохруҳбек Собиров. — Ушбу институт нафақат Олий Мажлисининг иккx ҳокимияти устидан парламент назоратини таъминлашда ролини оширишга, балки бўлиб ўтган бугунги тадбирдаги каби сайловчиларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Тадбир сўнггида Қонунчилик палатаси кўмиталарига соҳага алоқадор амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди, шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати.

ҲАР БИР ИНСОН ДОИМИЙ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг аҳамияти, мақсад ва моҳиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев ва бошқалар мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қисmini манзилли ҳимоялаш давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

БМТ Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Афшин Парси мазкур ҳужжат ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий, маънавий, моддий асосларини янги босқичга кўтаришини айтди. Ушбу халқаро ташкилот Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ногиронлиги бўлган шахсларга кўмак кўрсатиш юзасидан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда алоҳида эҳтиёжли фуқароларга тиббий, ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базисини мустаҳкамлаш, ўзгалар парварishiга муҳтож кексалар, пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахсларга уйларида ижтимоий хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Эҳтиёжманд фуқаролар реабилитация техник воситалари, протез-

ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Имконияти турлича бўлган шахсларнинг бемалол ҳаракатланиши учун бино ва иншоотларда пандус ва тўтиқлар ўрнатилмоқда. Пенсионер ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторияларда соғломлаштириш, алоҳида эҳтиёжли шахсларга реабилитация хизматлари кўрсатишга эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилиши ижтимоий соҳадаги ислохотлар самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жамғарма маблағлари ногиронлиги бўлган шахсларга кўмак бериш, инклюзив таълимни ривожлантириш, реабилитация жараёнини ошириш ва бошқа тиббий-ижтимоий лойиҳаларга йўналтирилади.

— Ногиронлиги бўлган шахслар ва кексалар доимий тиббий-ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноков. — Улар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида юртимизда 11 та реабилитация ва протезлаш маркази, 8 та санатория мавжуд. Шунингдек, 33 та Муруват ва Саҳоват уйлари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур муассасалар тузилмасини модернизациялаш, соҳага илгор техника ва технологияларни жорий этишга эътибор қаратилмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ёш ёнғин ўчирувчилар мусобақаси

Яшнобод туманида жойлашган мактаб ва касб-ҳунар коллежлари ўртасида ёнғин ўчириш амалий спорт буйича саралаш мусобақалари ўтказилди.

Мусобақадан кўзланган мақсад ёшларга соғлом турмуш тарзини таътиб этиш, ёнғин ўчирувчи касбига қизиқириш, ёнғин чоғида тўғри ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ёнғин ўчириш амалий спортини янада ривожлантиришдан иборат.

Дастлаб саралаш ўйинлари чоғида жамоалар тузилиб, махсус тайёргарликдан сўнг туман миқёсида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Яшнобод туман кенгаши билан ҳамкорликда мусобақалар ўтказилди. Биринчи босқичда ўсмирлар ва ёшлар 100 ва 1000 метрга югуриш, спорт тўсинида тортилиш бўйича куч синашди. Ёнғин хавфсизлиги қондалари бўйича савол-жавоб синови-дан ўтишди.

Ғолиблар мусобақанинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритишди.

Ботир МИРЗАЕВ,
Яшнобод тумани ЁХБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник.

ТАШАББУС

Уни Музработ туманининг «Абу ҳаёт» маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси, ЎзХДП аъзоси Дўстқобил Қодиров ташкил қилди.



МУЗРАБОТДА ЎН МИНГ КИТОБ ФОНДИГА ЭГА УЙ КУТУБХОНА фаолият кўрсатмоқда

— Ота-онам зиёли кишилар бўлишган, — дейди Дўстқобил Қодиров. — Хонадонимиздаги муъжазгина кутубхонада юзлаб китоблар бўларди. Уларни ўқидик, ўргандик, ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Шу билан бирга жавонни бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қарийб эллик йил давомида 10 мингдан ортиқ китоб тўпланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг китобхонлик маданиятини ошириш юзасидан билдирган фикрларидан келиб чиқиб, «Абу ҳаёт» маҳалласида кутубхона ташкил қилишни кўнгилга тугдм.

Ташаббусимни Сурхондарё вилояти

ҳокими Эркинжон Турдимов қўллаб-қувватлади ва ҳудудда тўрт хонали кўрак мажмуа барпо этилди. Замонавий мебель жиҳозлари ва электрон доска келтирилди. 16 замонавий компьютер ишлаб турибди. Интернет тармоғи орқали республикамиздаги кутубхоналар билан алоқа ўрнатилган.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан яқинда мазкур кутубхонада давра суҳбати ташкил қилинди. «Китоб орқали дунёни англа» мавзуда ўтказилган тадбирда партия-миз масъуллари, депутатлар, фаоллар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари

ҳодимлари иштирок этишди. Ёшларни китобхонлик ва мутлоага қизиқтириш бўйича мунозаралар очик мулоқот тарзида ўтказилди.

— Партиядошимизнинг хайрли ишидан аҳоли миннатдор, — дейди Ўзбекистон ХДП Музработ туман кенгаши раиси Панжи Норматов. — Устоз педагогнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар бир оила, қишлоқ ва маҳаллаларда ана шундай кутубхоналар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРЗАНДЛАР ОТАЛАР ҲАҚИДА

УРУШНИ МЕН КЎРГАНМАН...

Отам — II Жаҳон уруши қаҳрамони Донабой Элтазаровнинг аламли нигоҳларида, қайғу муҳрланиб қолган кўзларида, изтиробли сўзларида, қуролдош дўстларини эслганида, юзларини ювадиган ёшларда, уруш хотираларини айтиб беришини сўраганимизда, сукут сақлаганида...

Урушни мен кўрганман. Ленинград фронтининг 201-ўқчи дивизияси артиллерия полкининг тулчилар гуруҳи командири старшинаси — отам Донабой Элтазаров урушни Ленинградда (буғунги Санкт-Петербург) бошлаб, Кенигсбергда (буғунги Калининград) тугатган...

Оддий аскар, тўпчи наряди командири, старшина унвонлари, тўрт йиллик жаҳадаги ҳаёт-мамот жанглари, оғир ярадорликлар, Нева бўйидаги шаҳарда 900 кунлик қамалда қунига 250 грамм нонга қаноат қилиш, юз минглаб очликдан ўлган инсонларнинг ҳалокатини кўриб изтиробга тушиш, ёвни юртдан қувиб галаба наъшасини суриш, 1945 йил декабрда ота-она ва муштипар сингил кутиб турган ота уйига жангга келиб, омон қолган уч ака-укадан биринчи бўлиб қайтиш бахти — булар отамнинг уруш вақтидаги ҳаётининг лавҳалари...

Отам — учинчи ва иккинчи даражали «Шуҳрат», «Жанговар Қизил Байроқ», «Қизил Юлдуз», биринчи ва иккинчи даражали «Ватан уруши» орденларининг кавалери Донабой Элтазаров. Жиззах вилояти Фориш туманининг олис тоғ қишлоғи — Баланд Осмонда 1923 йилда туғилган. 1941 йил декабрда 18 ёшида фронтга чақирилган. Душанбе шаҳрида тузилган ҳарбий қисмда тайёрларидан ўтгач, 1942 йил бошларида Ленинград химоячилари сафига бориб қўшилган. 900 кун давом этган ҳаёт-мамот жангларида ўз тўпчи наряди билан нацистларга қарши курашнинг олдинги сафида турган. 1942 ва 1943 йилда икки марта яраланган.



Отам биринчи марта яраланганида кўзлари фугас минасининг ёлқинидан куйиб, кўрмай қолганини айтган эди. Тошкентлик бир рус ҳарбий врач унга яхши қараган, «70 кун ичида кўзингни очиб бераман, ҳамюрт, бардам бўл», деб кўнглини кўтарган. Отам жуда хиссиётли одам эди, кўзи тузалавермагач, бир кун врачга: «агар 70 кунда кўзим тузалмаса, яшашдан маъни йўқ, чунки уйда кўзи ожиз отам ва ногирон онам бор, уларнинг олдида кўр бўлиб қайтгандан, шу ерда шахид бўлганим яхши», деган экан. Аммо унга омад келиб боққан шекилли, доктор 68-кун ичида, кўзига боғланган докаларни олиб ташлаб «қани, менга қара-чи», деганида кўзини минг кўркув-тахлика билан очганида отам яна ёруғ оламини кўргани ва ўзини қайта дунёга келгандек хис этганини айтган эди.

Иккинчи марта яраланганида бутун вужудига тўп ўқининг (шрапнель)

парчалари қадалган, кўп марта операция бўлган, ўнг елкасида суякка қадалган шрапнель парчаси тери остида кўм-кўк бўлиб туриши ҳали ҳам кўз ўнгимдан кетмайди...

Отам урушнинг сўнги кунини яхши эслагачи: ўрмонга яширинган душман полкини очик майдонга тўпларни ўрнатиб, кутиб туришганида, ёв аскарлари тўп-тўп бўлиб тўғри улар тарафга юра бошлаган. Командирлардан негандир тўпдан ўт очиш буйруғи келмаган. 3.5 йил давомидида ҳалок бўлган жанговар дўстлар хотираси, вайрон қилинган шаҳар ва қишлоқлар, беғуноҳ қатл қилинган миллионлаб инсонлар, ҳазон бўлган ёшлик йўқотилган соғлиқ — буларнинг ҳаммаси аскарларнинг уруш охиридаги сари жанговар руҳини ва ёвга бўлган нафратини ошириши табиий. Ана шундай кайфиятда бўлган отам снайпер милтигини олган ва душман зобитларини бирма-бир отиб қулатиши бошлаган. Орадан анча-мунча

вақт ўтгач, рота командири жон ҳолатда етиб келиб, «уруш тугади, отма» деб унинг қўлидан снайпер қуролини тортиб олган. Бу воқеа 1945 йил 8 ёки 9 май кунини бўлган...

Отамда урушда ҳалок бўлган дўстларининг алами умрининг охиригача кетмади. Ўзи билан урушга бирга кетган, бирга жанг қилган Ғанибой ва Алибой Эгамовларни кўп эсларди. Улар ярадор бўлиб, санчақта кетган ва у ердан қайтмаган, чунки санитария батальони жойлашган жой душман самолётлари томонидан бомбардимон қилиниб, ёр билан битта қилинган, тирик жон омон қолмаган. Кейинчалик отам ўз ўғлига, мендан катта акага Ғанибой, у кишининг ўғлига — неварасига Алибой исмини берган — қуролдош дўстларининг хотирасини яшатиш учун...

Отам уруш хотираларини сўзлаб беришни севмас эди. Ўқувчиллик йилларимизда ҳар йили галаба байрами арафасида уни мактабга таклиф этиб, уруш хотираларини айтиб беришини сўраг эдик. Отам қисқа сўзлар ва ҳаргал «Бу урушни бизлар кўрдик, сизлар асло кўрманглар, тинчликни қадрига етиш ва уни асраш керак», дерди. Бошқа сўзамол фахрийлар каби ўз қаҳрамонлигини ошириб-тошириб сўзламагани учун баъзан ҳайрон бўлардим. Йиллар ўтгандан сўнгра ангадимики, айни донолар ўзларининг ақли ва фаросатини беҳуда намойиш қилмагани каби, ҳақиқий қаҳрамонлар ўз ботириқлигини кўз-кўз қилиши хоҳламаз эканлар.

Отам қаҳри қаттиқ, «йўлини бировга кестирмайдиган» одам бўлиб, эл ичида обрў-этиборли эди, одамлар у кишидан ҳайқишини сезар эдим. Аммо фарзандлар ва невараларга келганида, у жуда юраги куйрак, жон оғритмас одамга айланар эди. Катта энам ўйинқароқ бўлиб кетганимизда «ота бўлиб шу эмир-шаларнинг танобини тортиб қўйсангиз бўлмайми?» деб таъна қилар эди, отам кулиб қўярди ва «4 йил оқолнинг ичида ётанимда, урушнинг азобларини кўрган

пайтимда, насиб қилиб омон қолсам, оила қуриб, фарзанд кўрсам, уларни ҳеч ҳам уришмайман, деб қасам ичганман. Урушда мен чеккан азоблар етти пуштимга етиб-ортади», дер эди. Энг кўп такрорлагани — «фақат ўқинглар, одам бўлинглар, ўқинглар ютади» қабилдаги насихат эди. Барчамизга ўз тоғаси — профессор Ваҳоб Эгамовни намуна қилиб кўрсатарди. Бутунларда ангадимики, отам учун «одам бўлиш» тушунчаси аввало олим, зиёли бўлиш экан. Биз ака-укалар ана шу руҳда катта бўлдик, барчамиз олий даргоҳда ўқидик, ҳаётда ўз ўрнимизни топдик, ҳатто мен машҳур ўзбек шевашунос-олими профессор Ваҳоб Эгамов фаолият кўрсатган СамДУда ишлаб, олимлик мартабасига эришдим. Номзодлик ва докторлик диссертацияларини химоя қилганимда отам, эҳтимол, умрининг энг бахтли давларини яшагандир.

Урушдан кейин Самарқанддаги олий бухгалтерия курсини битириб, бутун умр молия тизимидида ишлаган отам онам — Қумри Элтазарова билан 8 нафар фарзандни тарбиялаб катта қилдилар. Уйли-жойли қилдилар. Онам 2003 йилда, отам 2006 йилда боқий дунёга кўчди. Улар кўчганида неваралар, чевараларнинг сонини кўздан ошган эди. «Армоним йўқ, армоним қолмади, қарерда бўлсаларинг ҳам унинглар, ўсинглар, кам бўлманглар, мингдан-минг розиман» — отам мана шу сўзларини такрорлай-такрорлай жони узилганини яхши эслайман... Фақат бахтли яшаган инсонларнинг сўнги сўзлари шундай бўлади...

Баъзан отам тушларимга кирганда, юрагимда оғриқ, соғинч, армон билан уйғонаман: чунки дунёдаги энг фидокор, энг жафокаш, энг раҳмдил ва дошиманд ота эди у... Ҳар бир фарзанд қалбидида ўз отаси хотираси фақат ана шундай ҳислатлар билан муҳрланиб қолади.

Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ

Инсулин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди

Андижон вилоятининг Андижон туманида инсулин дори воситаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона фаолият бошлади.

Президентимиз 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда янги сановат корхоналари барпо этиш, хусусан дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан берган топшириқлари ижроси доирасида «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти томонидан инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган, умумий лойиҳа қиймати қарийб 28 миллиард сўм бўлган заводга ҳорижий давлатлардан энг замонавий ускуна ва технологиялар келтириб ўрнатилди. Халқаро талаблар даражасида инсулин дори воситасини тайёрлаш юзасидан барча зарур ишлар амалга оширилди. Шунингдек, бу ерда 100 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Шулардан 20 нафардан ортиғи ёшлардир.

— Корхона банкимизнинг Андижон филиали кўмакида барпо этилди, — дейди «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки бошқаруви раиси Сардор Нормухамедов. — Қурилиш ишлари ҳамда ҳорижий технологиялар харид қилиш учун 14 миллиард сўм кредит ажратилди.

— Заводимиз йилга 10 миллион флакон инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Авазбек Низомов. — Маҳсулотимизнинг 30 фоизи ички бозор талабини қоплайди, қолган қисми Қирғизистон, Қозоғистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Корхона очилиш маросимида Андижон вилоят ҳокими Шуҳрат Абдурахмонов сўзга чиқди.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Shurtan
GAS CHEMICAL COMPLEX

«ШҲРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни Хотира ва қадрлаш кунини билан қутлайди!

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtkran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Страховая компания «O'zbekinvest Hayot» в форме общества с ограниченной ответственностью информирует об изменении юридического адреса с 30 апреля 2018 года.

Новый юридический адрес: 100015, г.Ташкент, ул. Айбека, 36

Остальные реквизиты СК ООО «O'zbekinvest Hayot» остаются без изменения.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar O'STONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 538, 11364 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:30.

Topshirilgan vaqti — 03:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7639

1772010763008

Гazetaning elektron sahifasiga utish uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 5